

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЧУЯНОВ ДУСТМУРОД ШОДМОНОВИЧ

**ТУПРОҚНИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЭКИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШНИНГ
ЭНЕРГИЯ, РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЕЧИМИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Чуянов Дустмурод Шодмонович

Тупрокни полиз экинлари экиш учун тайёрлашнинг энергия,
ресурстежамкор технологиялари ва техник воситаларини
шакллантиришнинг илмий-техникавий ечими..... 3

Чуянов Дустмурод Шодмонович

Научно-техническое решение формирования энерго-ресурсосберегающих
технологий и технических средств для подготовки почвы к посеву
бахчевых культур..... 25

Chuyanov Dustmurod Shodmonovich

Scientific and technical decision of the formation of energy and resource-saving
technologies and technical means for preparing soil for crops for bakery
cultures..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЧУЯНОВ ДУСТМУРОД ШОДМОНОВИЧ

**ТУПРОҚНИ ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ЭКИШ УЧУН ТАЙЁРЛАШНИНГ
ЭНЕРГИЯ, РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЕЧИМИ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/T213 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маматов Фармон Муртозевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўхтақўзиев Абдусалим**
техника фанлари доктори, профессор

Байбобоев Набижон Ғуломович
техника фанлари доктори, профессор

Игамбердиев Асқар Кимсанович
техника фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот: **«ВМКВ-Agromash» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

К.Д.Астанакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А.А. Ахметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия-ресурстежамкор ва иш унуми юқори бўлган тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлаш машиналарини ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида 3,5 млн. гектар майдонда полиз экинлари экилишини ҳисобга олсак»¹, тупроқни экишга тайёрлашнинг энергия-ресурстежамкор технологиялари ва иш сифати ва унуми юқори техник воситаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда. Шу билан бирга даладан бир ўтишда тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни бажарадиган комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқиш ва қўллашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экишдан олдин далаларни экишга тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машина ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмлари технологик иш жараёнларини асослаш, уларни тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнида ресурстежамкорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан палахсаларни ағдарадиган корпуслар, ҳайдов остини юмшатадиган чуқур юмшаткич, тупроққа юза ишлов берадиган яссикескичлар, тупроқ юзасини текислайдиган ғалтакмоладан ташкил топган энергия-ресурстежамкор юқори унумли комбинациялашган машинани ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўпайтириш, ...2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан бир ўтишда далаларни полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлайдиган машина ва қуролларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш ва уларнинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Литвинов С.С., Быковский Ю.А. Бахчеводство: стратегия и перспективы развития // Картофель и овощи. – Москва, 2013. - №5. – С. 2-6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлаш технологиялари ва техник воситаларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Pennsylvania State University, The Cornell University, Agricultural Research (АҚШ), University of Hohenheim (Германия), Natural Resource Institute (Австралия), Бутунроссия сабзавотчилик илмий тадқиқот институти, Бутунроссия суғориладиган сабзавотчилик ва полизчилик илмий тадқиқот институти, Волгоград давлат қишлоқ хўжалик академияси (Россия Федерацияси), Украина сабзавотчилик ва полизчилик илмий тадқиқот институти (Украина), Беларуссия картошкачилик ва мева-сабзавотчилик илмий тадқиқот институти (Белорус Республикаси), Қозоғистон картошкачилик ва сабзавотчилик илмий тадқиқот институти (Қозоғистон), Туркманистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти (Туркманистон), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш ва экиш технологиялари ҳамда техник воситаларини яратиш бўйича жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: полиз экинлари экиш учун бир йўла шудгорлаш ва шудгор юзасига ишлов бериш технологияси ва машиналари яратилган (University of Hohenheim, Германия); тупроққа ишлов бериш билан бирга ўғит соладиган ва уруғ экадиган агрегатлар ишлаб чиқилган (Волгоград давлат қишлоқ хўжалик академияси, Россия Федерацияси); эгат тубига экиш, ишлов бериш ва суғориш ариқларини тиклаш ва бошқа жараёнларни кетма-кет бажариш технологияси асосланган (Туркманистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти, Туркманистон); комбинациялашган экиш схемаси ва уни амалга оширадиган машина ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи Journal of Agricultural Engineering (Italy), International Journal of Agricultural Science and Technology (The USA), Russian Engineering Research (The Russia), International journal of Agricultural and Biological Engineering (China) ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон); экиш билан суғориш ариқлари олишнинг такомиллашган технологиялари ишлаб чиқилган; тупроққа полиз экинлари экиш олдидан ишлов бериш куроллари, полиз экинлари уруғини экиш сеялкалари, культиватор-озиклантиргич, чопиқ агрегати ва бошқа машиналарнинг конструктив схемалари асосланган, уларнинг параметрларини асослаш услублари яратилган (Волгоград давлат қишлоқ хўжалик академияси, Россия Федерацияси).

Дунёда полиз ва сабзовот экинларини экиш технологиялари ва техник воситаларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: энергия ва меҳнат сарфини камайтирган ҳолда тупроқнинг потенциал ҳосилдорлигини сақлайдиган ва экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ҳамда тупроқни химоялайдиган тупроққа ишлов бериш усулларини ишлаб чиқиш; ҳар хил технологик жараёнларни бир вақтда ўтказишни таъминлайдиган комбинациялашган машиналарни яратиш; текис шудгорлаш технологияси ва уни амалга оширадиган ишчи органлар асосида тупроққа ишлов бериш, ариқ ва жўяклар ҳосил қилиш, экиш, ўғит солишни амалга оширадиган комбинациялашган машиналарни яратиш; тупроққа сифатли ишлов беришни таъминлайдиган куроллар, аниқ уруғ экиш ва локал ўғит солиш аппаратларини яратиш бўйича илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полиз экинлари экишнинг технологияларини такомиллаштириш, полизчиликда тупроққа экиш олдидан ишлов берадиган, уруғ экадиган, ўғит соладиган, қатор ораларига ишлов берадиган машиналарни яратиш ва уларнинг ишчи органларини конструкциялари ва параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар Г.Е. Листопад, А.Н.Гудков, А.Ф.Ульянов, Л.Н.Чабан, И.С.Егоров, В.А.Федоров, Б.Н.Емелин, С.С.Литвинов, М.Ф.Степура, В.И.Малюков, Н.Е.Руденко, С.Д. Стрекалов, О.Н.Терехов, В.Г.Абезин, Б.П.Луценко, Е.Ю.Раков, В.В.Чаленко, Р.Д.Овезов, М.Н.Шапров, В.П.Бороменский, В.Н.Белоконь, А.Д.Эм, В.Н. Жуков, Ф.М.Маматов, А.Э.Қодиров, И.Ғ.Ҳайдаров, Б.К.Утепбергенов ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Агрегатнинг бир ўтишида тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган машиналар бўйича тадқиқотлар П.Н.Бурченко, А.А.Вилде, А.Х.Цесниске, Ю.П.Моритас, Х.С.Гайнанов, Р.И.Байметов, Ф.М.Маматов, А.Тўхтақўзиев, А.А.Ахметов, Т.С.Худайбердиев, И.Т.Эргашев, А.Н.Худаяров, Б.М.Худаяров, А.К.Игамбердиев, И.Ғ.Темиров, И.З.Носиров, А.Д.Нуриддинов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Аммо, мазкур тадқиқотларда тупроққа минимал ишлов бериб уни бир ўтишда полиз экинларини экиш учун тайёрлашнинг энергия- ресурстежамкор технологиялари ва техник воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни механик-технологик асослаш бўйича масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий тадқиқот режасининг №А-13-059 «Тупроққа ишлов бериш ва полиз

экинларини экиш технологияси ва комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), №ИОТ-2012-2-2 «Полиз экинлари экиш учун тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатни яшаш ва жорий этиш» (2012-2013 йй.) ва №ИОТ-2014-2-1 «Тупроққа ишлов бериш ҳамда уни техник, донли ва полиз экинларини экишга тайёрлаш учун мўлжалланган кўпфункционали агрегатни ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиз экинлари етиштиришда энергия-ресурстежамкорликни таъминлаш, иш унуми ва сифатини ошириш учун бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тупроқни агрегатнинг бир ўтишида полиз экинлари экиш учун тайёрлашнинг энергия-ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш;

тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатнинг конструкциясини ишлаб чиқиш ва унинг иш органларини рамада ўзаро жойлашиш схемасини асослаш;

комбинациялашган агрегат иш органларининг параметрларини назарий ва экспериментал тадқиқ этиш;

комбинациялашган агрегат параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигини унинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

комбинациялашган агрегатнинг тажриба нусхасини тайёрлаш ва синовларини ўтказиш, уни қўллашдан олинadиган иқтисодий самарани аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат ҳамда унинг иш органлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети полиз экинлари экиладиган дала тупроғининг физик-механик хоссалари, агрегат иш органларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнлари ва уларнинг параметрлари, комбинациялашган агрегат энергетик ва сифат кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ТSt 63.04.2001, ТSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиз экинлари экиш учун экиш худуди палахсаларини бир бирига нисбатан уларнинг оғирлик марказларини аввал силжитмасдан, сўнгра эса силжитиб ағдариш билан бир вақтда ҳайдов остини йўл-йўл юмшатиш ва дастлабки суғориш ариғини шакллантириш, қўшни экиш худудлари оралиғини юза юмшатиш, уруғ экиш чизиғи бўйича тупроқни экишга тайёрлаш усули ишлаб чиқилган;

полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлайдиган энергия-

ресурстежамкор технологияни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг конструкцияси ишлаб чиқилган ва унинг иш органларини рамада ўзаро жойлашиш схемаси асосланган;

комбинациялашган агрегатнинг параметрлари полиз экинлари экиш ҳудуди палахсалари оғирлик марказини кўндаланг йўналишда қисман силжитиб ағдариш ҳамда ҳайдов ости қатламини юмшатиш асосида аниқланган;

комбинациялашган агрегат агротехник ва энергетик кўрсаткичлари агрегатнинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини ифодаловчи боғлиқликлар асосида аниқланган;

полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлашда йўналтирадиган пластиналар чап ва ўнга ағдарадиган корпуслар, чуқур юмшаткич, яссикескичлар ва ғалтақдан ташкил топган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

агрегатнинг бир ўтишида экиш ҳудудида палахсасини ўнг ва чапга ағдариб, суғориш эгатини шакллантириш билан бир вақтда ҳайдов ости қатламини йўл-йўл юмшатиш билан тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологияси яратилган;

тупроқни бир ўтишда ағдариб, суғориш эгатини шакллантириш ва ҳайдов ости қатламини йўл-йўл юмшатиб полиз экинлари экиш учун тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган технология ва агрегат қўлланилганда тупроқни қисқа муддатларда полиз экинлари экиш учун тайёрлаш, ёнилғи, материал сарфи ва фойдаланишдаги харажатларни камайиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, комбинациялашган агрегат иш органларининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика услублари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро адекватлиги, комбинациялашган агрегат дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроққа ишлов бериб, уни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш агротехнологиясининг энергия ва сифат кўрсаткичларини комбинациялашган агрегатнинг параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи механик-математик ва ҳисобий моделлар ишлаб чиқилганлиги ва уларни шунга ўхшаш бошқа турдаги агрегатларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган комбинациялашган машина даладан бир ўтишда тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш бўйича барча технологик жараёнларни қўшиб бажариши ҳисобига ёнилғи ва моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфини камайишига

эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологияси ва комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш ва унинг ишчи қисмлари параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

полиз экинларини экиладиган тупроққа ишлов бериш ва экиш усулига Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган («Тупроққа ишлов бериш ва экиш усули», №IAP 04004-2009 й.). Натижада полиз экинлари экиш ҳудудида палахсаларни ўнг ва чапга ағдариш билан бир вақтда ҳайдов остини йўл-йўл юмшатиш ва суғориш ариғини шакллантириш, кўшни экиш ҳудудлари оралиғини юза юмшатиш, уруғ экиш чизиғи бўйича тупроқни экишга тайёрлаш усулини яратиш имконини берган;

комбинациялашган агрегатга Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган («Тупроққа ишлов бериш ва экиш учун мужассамлашган қурол», №IAP 03618, 2008 й.). Натижада ерларни бир ўтишда тупроқ палахсаларни ўнг ва чапга ағдариш, ҳайдов ости қатламини йўл-йўл юмшатиш ва суғориш ариғини шакллантириш, экиш ҳудудлари оралиғини эса юза юмшатишни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат конструкциясини яратиш имконини берган;

бир ўтишда тупроқни полиз экинлари экиш учун тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат Қамаш тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/023-282-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар ерга сарфланадиган ёнилғи-мойлаш материаллари 48,5 фоизга, фойдаланиш харажатлари эса 28,4 фоизга камайтириш имкони яратилган.

комбинациялашган машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари «ВМКВ-Агроташ» АЖ да ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 23 октябрдаги 02/023-282-сон маълумотномаси). Натижада ерларни полиз экинлари экишга тайёрлайдиган юқори самарали комбинациялашган машиналарни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Ишланма 2009-2017 йилларда Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари кўргазмасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 9 та мақола, жумладан 6 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтиро ва 1 та фойдали моделга патентлари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Полиз экинларини экишга тупроқни тайёрлашнинг мавжуд технология ва техник воситалари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида республикада полиз экинларини етиштириш ҳолати, полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш ва экиш технологиялари, бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатлар ва уларнинг иш органлари бўйича илгари олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган, полиз экинлари экиш учун тупроқни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш таклиф этилган, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари шакллантирилган.

Полиз экинларини экиш учун тупроқни тайёрлашнинг мавжуд технологиялари технологик операцияларни алоҳида босқичма-босқич бажаришга асосланганлиги сабабли юқори даражада энергия ва ресурслар сарфланмоқда. Шу боис, полиз экинлари экиш учун тупроқни экишга тайёрлашнинг энергия ва ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш долзарб илмий муаммо ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемаси»** деб номланган иккинчи бобида таклиф этилаётган технология ва уни амалга оширадиган комбинациялашган агрегатнинг конструктив схемаси, унга қўйиладиган агротехника талаблари, агрегат иш органларининг турини танлашга ва уларни ўзаро жойлашишига доир назарий тадқиқотлар ҳамда полиз экинлари экиладиган далалар тупроқининг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Таклиф этилган технологияда экиш ҳудуди палахсалари уларнинг оғирлик марказларини кўндаланг йўналишда аввал силжитмасдан, сўнгра эса силжитиб ағдарилиб дастлабки суғориш ариғини шакллантириш билан бир вақтда ҳайдов ости йўл-йўл юмшатилади, қўшни экиш ҳудудлари оралиғи юза юмшатилади, тупроқ экиш чизиғи бўйича уруғ экишга тайёрланилади (1-расм).

Юқорида келтирилган операцияларни бир йўла бажариш полиз экиладиган тупроқнинг намлигини сақлайди, тупроққа ишлов бериш ва уни



a – палахсалар ағдарилиб, ернинг юза қисми ва ҳайдов ости юмшатиладиган кейинги даланинг кўндаланг кесим профили; *б* – экиладиган қатор оралари тайёрланиб, дастлабки суғориш ариғи шакллантирилгандан кейинги даланинг кўндаланг кесим профили

1-расм. Далаларни полиз экинлари экиш учун тайёрлаш технологик жараёнининг схемаси

экишга тайёрлашда моддий ва энергия ресурсларини тежайди, яъни агрегатларнинг даладан ўтишлар сони 3-4 мартага камайиши ҳисобига тупроққа минимал ишлов бериш таъминланади.

Таклиф этилган технологияни амалга оширадиган комбинациялашган агрегат (2-расм) дисксимон пичоқ 1, яссикескич 2, ўнг ва чапга ағдарадиган винтсимон корпуслар 3 ва 4, винтсимон йўналтирадиган пластиналар 5, корпуслар тутқичига ўрнатилган чуқур юмшаткичлар 6 ва ғалтакмола 7 дан иборат. Ғалтакмола 7 рамага шарнирли бириктирилган.

Агрегат иш жараёнида яссикескичлар 2 қўшни экиш ҳудудлари оралиғи тупроғини юмшатади, ўнг ва чапга ағдарадиган корпуслар 3 ва 4 йўналтирадиган пластиналар 5 ёрдамида 1,05 м гача кенгликдаги экиш ҳудуди тупроқ палахсаларини бир-бирига нисбатан ағдариб дастлабки суғориш ариғини шакллантиради. Палахсаларни ағдариш жараёнида чуқур юмшаткичлар 6 ҳайдов остини йўл-йўл юмшатади, ғалтакмола 7 эса экиш ҳудуди тупроғини экишга тайёрлайди.

Танланган экиш усулидан келиб чиққан ҳолда олинган аналитик ифодалар ҳисобларига кўра экиш ҳудудининг кенглиги 105 см ва яссикескичлар билан ишлов бериладиган йўлакнинг кенглиги 180 см деб қабул қилинди.

Таянч ғилдирак билан яссикескич орасидаги бўйлама масофани аниқлаш учун яссикескич томонидан деформацияланган тупроқни тўсиқсиз силжиши шартидан қўйидаги ифода олинди

$$L_1 \geq l_k + a_{ю} \operatorname{tg}(\alpha_{ю} + \varphi), \quad (1)$$

бунда $a_{ю}$ – яссикескичнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; $\alpha_{ю}$ – яссикескични тупроққа кириш бурчаги, градус; φ – тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, градус; l_k – таянч ғилдирак тупроққа ботган қисмининг ярим узунлиги, м.


(1) ифода бўйича $\alpha_{ю}=30^\circ$; $\varphi=25^\circ$; $l_k=7$ см ва $a_{ю}=12$ см бўлганда энг минимал масофа $L_1=24,1$ см бўлиши лозим.

Яссикескич ва корпус орасидаги бўйлама масофани аниқлаш учун корпус билан ишлов берилаётган палахсанинг деформацияланиш зонаси унинг олдидаги яссикескичнинг конструктив элементларига етиб бормаслиги

шартидан қўйидаги ифода олинди

$$L_{2\min} \geq (a_k - a_{ю})[(1 - \cos(\gamma + \varphi)\operatorname{ctg} \gamma)]\operatorname{ctg} \psi + b_k \operatorname{ctg} \gamma - l_{ю}, \quad (2)$$

бунда b_k – корпуснинг қамраш кенглиги, м; a_k – корпуснинг ишлов бериш чуқурлиги, м; γ – лемех тиғини эгат деворига нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; $l_{ю}$ – яссикескичлар узунлиги, м; ψ – тупроқни бўйлама йўналишда синиш бурчаги, градус.



1 – дисксимон пичок; 2 – яссикескич; 3 ва 4 – ўнгга ва чапга ағдарадиган корпуслар; 5 – йўналтирадиган пластина; 6 – чуқур юмшаткич; 7 – ғалтакмола

2-расм. Комбинациялашган агрегат иш органларнинг ўзаро жойлашиш схемаси

$a_k=25$ см; $a_{ю}=12$ см; $\gamma=45^0$; $\varphi=25^0$; $l_{ю}=26$ см; $\psi=45^0$ ва $b_k = 52,5$ см қабул қилиб, (2) ифода бўйича бажарилган ҳисоблашлар яссикескич ва корпус орасидаги бўйлама масофа камида 35,1 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Яссикескичлар орасидаги бўйлама масофа $L_{ю}$ ни орқа яссикескич билан ишлов берилаётган палахсанинг деформацияланиш зонасини унинг олдидаги яссикескичнинг конструктив элементларига етиб бормаслиги шартидан қўйидаги ифода орқали аниқлаймиз

$$L_{ю\min} \geq \left(\frac{b_{ю}}{2} - \Delta b\right)\operatorname{tg}(\gamma_{ю} + \varphi) + l_{ю}, \quad (3)$$

бунда $b_{ю}$ – яссикескичнинг қамраш кенглиги, м; Δb – яссикескичлар қамраш кенглигини қопланиши, м.


$b_{ю}=33$ см; $\gamma_{ю}=32^030'$; $\varphi=25^0$; $l_{ю}=26$ см ва $\Delta b =6$ см қабул қилиб, (3) ифода бўйича бажарилган ҳисоблашлар яссикескичлар орасидаги бўйлама масофа камида 42,3 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Комбинациялашган агрегат корпусининг мақбул турини танлаш учун ПЛН-4-35 осма плугининг маданий, айланма плугнинг ярим винтсимон, фронтал плугнинг винтсимон корпуси ҳамда фронтал плугнинг йўналтирадиган пластинали винтсимон корпусларининг ўзаро таққослов

синовлари ўтказилди. Таққослаш синовларининг натижалари шуни кўрсатадики, комбинациялашган агрегатда тупроққа ағдариб ишлов бериш билан бирга дастлабки суғориш ариғини шакллантирадиган иш органи сифатида йўналтиргичли винтсимон корпусни қўллаш талаб этилган дастлабки суғориш ариғини ҳосил қилинишини таъминлайди ва таклиф қилинган янги технологияни амалга оширишга имкон яратади.

Диссертациянинг «Комбинациялашган агрегатнинг корпуси ва йўналтирадиган пластинаси параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари» деб номланган учинчи бобида комбинациялашган агрегатнинг корпуси ва йўналтирадиган пластинаси параметрларини асослашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Патент ва илмий-тадқиқот ишларининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, такомиллашган технологияда кўзда тутилган экиш ҳудуди тупроғига ағдариб ишлов бериш билан бирга дастлабки суғориш ариғини шакллантириш учун листер кўринишида жуфт-симметрик ҳолатда жойлашган ва йўналтирадиган пластиналар 3 ва 4 билан жиҳозланган ўнг ва чап томонга ағдарадиган винтсимон корпуслар 1 ва 2 дан иборат схема қабул қилинди (3, а-расм).



3-расм. Корпусларни ўзаро жойлашиш ва палахсаларни ағдарилиш схемалари

Таклиф этилган технологияни амалга оширишни таъминлайдиган палахсаларни ағдариш усулини танлаш учун палахсаларни ағдаришнинг бир қатор усуллари бўйича назарий тадқиқотлар ўтказилди. Олиб борилган

изланишлар натижаси палахсаларни кўйидаги усулда ағдариш лозимлигини кўрсатди: аввал палахсаларни бир-бирига нисбатан уларнинг оғирлик марказларини кўндаланг йўналишда силжитилмасдан ўз эгати чегарасида 0 дан $(\pi/2+\varphi+\gamma)$ гача ағдариш (3, б-расм). Бунда палахсалар қирраларга таяниб эгат туби бўйича e масофага силжийди; сўнгра палахсаларни $(\pi/2+\varphi+\gamma)$ дан $(\pi-\delta)$ гача оғирлик марказини кўндаланг силжитиб ишлов берилган дала қиррасига текгунга қадар айлантириш (3, в – расм). Бунда $\varphi=\arctg(a/b)$; δ – ағдарилган палахсанинг қиялик бурчаги; $\gamma = \arcsin(2e/\sqrt{a^2 + b^2})$.

Палахсаларни горизонтга нисбатан ағдарилиш бурчаги δ , очик эгат кенглиги B_2 ва пушта баландлиги, яъни ариқ чуқурлигини h_2 аниқлаш учун кўйидаги ифодалар олинди

$$\delta = \arctg \frac{2a}{b+2e}, \quad (4) \quad h_2 = \frac{b}{2} \sin \arctg \frac{2a}{b+2e}, \quad (5)$$

$$B_2 = b \cos \arg \tg \frac{2a}{b+2e}, \quad (6)$$

бунда a – палахсанинг қалинлиги, м; b – палахсанинг кенглиги, м.

$a=25$ см; $b=52,5$ см ва $e=10$ см қабул қилиб, (4)-(6) ифодалар бўйича бажарилган ҳисоблашлар палахсанинг қиялик бурчаги 34° , эгат тубига нисбатан пушта баландлиги 14,7 см, палахсанинг ўртаси бўйича ариқ кенглиги 43,5 см эканлигини кўрсатди. Бу етарли даражада таклиф қилинган технологиянинг талабларини қониқтиради.

Палахсанинг ҳаракат жараёни тадқиқ этилиб, 0 дан $(\pi/2+\varphi+\gamma)$ гача ва $(\pi/2+\varphi+\gamma)$ дан $(\pi-\delta)$ гача ағдарилгандаги кўзғалмас координаталар системасида исталган нуқтаси траекториясининг тенгламаси олинди.

Олинган тенгламалар асосида палахсанинг кинематикасини ўрганиш натижалари таклиф қилинган технологияни амалга оширишда корпуснинг қамраш кенглиги ва йўналтирадиган пластинанинг узунлиги асосий омиллар эканлигини кўрсатди.

Йўналтирадиган пластинали корпуснинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун кўйидаги ифода олинди

$$\begin{aligned} R_x = & \frac{3\rho ab_l \pi^2 K_2^2}{4L^2} V_n^2 + \frac{[\sigma_p] ab}{\sin \psi_1} \sin(\gamma + \varphi) \sin(\alpha + \varphi) + \frac{2\alpha a^2 \tau_{co}}{[n]} \tg \varphi + \\ & + \gamma g ab \left(\frac{d-a}{2} + \ell_{ky} \right) + \frac{qa_\delta t_m (t_m - t_\delta)}{2 \sin \alpha_m \sin \beta_\phi \cos \varphi} + \sigma_0 t_n (a - a_\delta) + \\ & + \frac{q(a - a_\delta) t_m^2}{2 \sin \alpha_m \sin \beta_\phi \cos \varphi} + fp_{ю} a (2b_m - t_m \ctg \beta_\phi) + \frac{1}{2} p_m t_m b_m f \ctg \beta_\phi + \\ & + fp_m l_{cn} h_{nl} + p \frac{l_{n\delta} h \cos(\gamma - \varphi)}{\cos \gamma_1 \cos \varphi} + ab_n l_{nk} \left(1 + \frac{W}{100} \right) \rho g f_1 + (ab_3 - \frac{b_3^2 \sin \beta_3}{2}) \times \end{aligned}$$

$$\times \left(1 + \frac{W}{100}\right) \frac{\cos \beta_3}{\sin \gamma_2} l_{нк} \rho g \frac{\sin \beta_3 \sin \gamma_2 + f (\cos^2 \gamma_2 + \sin^2 \gamma_2 \cos \beta_3)}{\cos \beta_3 - f \sin \gamma_2 \sin \beta_3} +$$

$$+ \frac{a l_{нк} V_n^2 \sin^2 \gamma_2 [\sin \beta_3 + f \sin \gamma_2 (ctg^2 \gamma_2 + \cos \beta_3)]}{ctg \gamma_2 (ctg \beta_3 - f \sin \gamma_2)} \left(1 + \frac{W}{100}\right) \rho, \quad (7)$$

бунда L – палахсани π радианга буралиш узунлиги, м; $[\sigma_p]$ – тупроқнинг чўзилишга мустаҳкамлик чегараси, Па; b_l – лемехнинг қамраш кенглиги, м; ρ – тупроқнинг зичлиги, кг/м³; α – лемехнинг увалаш бурчаги, градус; m – палахсанинг кесим ўлчамларига боғлиқ коэффициент; $[n]$ – палахсанинг ўлчамларини ҳисобга олувчи ўлчамсиз коэффициент; τ_{cd} – тупроқнинг силжишга мустаҳкамлик чегараси, Па; g – эркин тушиш тезланиши, м/с²; $l_{кy}$ – корпус узунлиги, м; d – палахса диоганали узунлиги, м; W – тупроқ намлиги, %; f – тупроқни йўналтирадиган пластина иш юзаси бўйича ишқаланиш коэффициенти; f_1 – палахсани эгат туби бўйича ишқаланиш коэффициенти; h_{nl} ва l_{cn} – йўналтирадиган пластинанинг баландлиги ва узунлиги, м; b_m – тутқичнинг кенглиги, м; β_ϕ – тутқични ўткирланиш бурчаги, градус; $l_{mю}$ – тутқич юқори қисмининг узунлиги, м; t_m – тутқичнинг қалинлиги, м; $p_{ю}$ – тутқичнинг ён юзаларига тупроқнинг солиштирма босими, Па; α_m – тутқични горизонтга нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; p_m – тутқичнинг юқори қисми фаскасига тупроқнинг солиштирма босими, Па; a_δ – дискнинг ишлов бериш чуқурлиги, м; t_δ – дискнинг қалинлиги, м; q – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти, Н/м³; σ_0 – тупроқни тиф билан эзишга қаршилиги, Па; t_n – тиф қалинлиги, м; γ_1 ва γ_2 – йўналтирадиган пластина бошланғич қисми ва қанотини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; $l_{пб}$ ва $l_{пк}$ – йўналтирадиган пластина бошланғич қисми ва қанотининг узунлиги, м; b_n – йўналтирадиган пластина бошланғич қисмининг кенглиги, м; b_3 – йўналтирадиган пластина қанотининг кенглиги, м; β_3 – йўналтирадиган пластина қанотининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги, градус; V_n – корпуснинг ҳаракатланиш тезлиги, м/с.

Олинган аналитик ифода йўналтирадиган пластиналик корпуснинг тортишга қаршилигини унинг конструктив параметрлари, тупроқнинг физик-механик хоссалари ва тезликка боғлиқ ҳолда аниқлаш имконини беради.

(7) ифода бўйича $L=1,5$ м; $K_2=0,56$ м; $[\sigma_p]=5,3 \cdot 10^3$ Па; $a=0,25$ м; $b=0,525$ м; $b_l=0,45$ м; $\gamma=45^\circ$; $\rho=1500$ кг/м³; $\varphi=30^\circ$; $\alpha=30^\circ$; $m=0,25$; $[n]=0,795$; $\tau_{cd}=11,4 \cdot 10^3$ Па; $g=9,8$ м/с²; $l_{кy}=0,777$ м; $d=0,58$ м; $W=14\%$; $f=0,5774$; $f_1=0,8391$; $h_{nl}=0,17$ м; $l_{cn}=0,8$ м; $b_m=0,15$ м; $\beta_\phi=21^\circ$; $l_{mю}=0,46$ м; $t_m=0,025$ м; $p_{ю}=1,64 \cdot 10^2$ Па; $\alpha_m=65^\circ$; $p_m=1,92 \cdot 10^4$ Па; $a_\delta=0,12$ м; $t_\delta=0,005$ м; $q=1 \cdot 10^7$ Н/м³; $\sigma_0=1,44 \cdot 10^6$ Па; $t_n=0,001$ м; $\gamma_1=18^\circ$; $\gamma_2=21^\circ$; $l_{пб}=0,496$ м; $l_{пк}=0,796$ м; $b_n=0,165$ м; $b_3=0,295$ м; $\beta_3=41^\circ$; $V_n=2-2,5$ м/с бўлганда корпуснинг тортишга қаршилиги 4,16-4,48 кН оралиғида бўлади.

Экиш худудининг шудгорлаш сифати ва технологияда кўзда тутилган технологик жараёни амалга оширишга таъсир этадиган асосий омилларга корпусларнинг ўзаро жойлашиш схемаси, корпуснинг қамраш кенглиги, ишлов бериш чуқурлиги, йўналтирадиган пластинанинг узунлиги киради.

Юқорида келтирилган параметрларни рационал қийматларини аниқлаш учун махсус тажрибавий қурилма ясалди.

Корпусларни ўзаро жойлашиш схемаси ва уларнинг қамраш кенглигини 40-55 см оралиғида ўзгартириш, бириктириш кронштейнларини қурилма рамасининг кўндаланг балкасида силжитиш орқали амалга оширилди. Пластинанинг мақбул узунликдаги қийматини аниқлаш учун узунлиги 0, 20, 40, 60, 80 ва 93 см бўлган пластиналар тайёрланди.

Тажриба натижаларига кўра, корпусларни ўзаро жойлашиши бўйича (корпусларнинг қамраш кенглиги 52,5 см ва йўналтирадиган пластина узунлиги 93 см бўлганда) ҳар иккала вариантда ҳам тупроқ палахсаларини ўз эгати чегарасида ағдариш технологияси таъминланилади.

Иккала вариантнинг асосий агротехник кўрсаткичлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Листер кўринишидаги чап ва ўнгга ағдарадиган корпуслар битта тутқичга ўрнатилган вариантда ўсимлик қолдиқларининг кўмилиш чуқурлиги ва тўлиқлиги бироз пасайиши кузатилди. Бироқ, кўрсаткичлар агротехник талабларга тўлиқ мос келади. Корпуслар бир-бирига қарама-қарши ўрнатилганда, яъни биринчи вариантда ишлов берилган ҳудуднинг ўртаси бўйича 10-12 см баландликдаги уюм ҳосил бўлди. Иккинчи вариантда иш жараёнида даланинг ишлов берилмаган юзасига тупроқнинг бироз силжиши, ишлов берилган ҳудуднинг ўртасида эса 9-11 см чуқурликда эгат ҳосил бўлиши кузатилди. Ишлов берилган ҳудуднинг ўртасида эгат ҳосил бўлиши полиз экинларини экиш учун тупроқни экишга тайёрлаш технологиясини амалга оширишга имкон беради. Бунда экиш ҳудуди ўртасида суғориш ариғини шакллантириш осонлашади. Шунинг учун кўзда тутилган технологияни амалга ошириш учун иккинчи вариант, яъни корпуслар жуфт-симметрик ҳолатда жойлашган схема (3, а-расм) мақбул ҳисобланади.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кам энергия сарф қилган ҳолда палахсаларни бир-бирига нисбатан ағдариш ва дастлабки суғориш ариғини шакллантириш корпуслар жуфт-симметрик ҳолатда жойлашган схемада уларнинг қамраш кенглиги 52,5 см ва йўналтирадиган пластинанинг узунлиги 80 см бўлганда таъминланилади.

Диссертациянинг «**Комбинациялашган агрегат чуқур юмшаткичининг параметрларини асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида комбинациялашган агрегат чуқур юмшаткичининг параметрларини асослашга доир тадқиқот натижалари келтирилган.

Ф.М.Маматов ва И.Т.Эргашев олиб борган тадқиқотларга кўра палахсалар ўз эгати чегарасида ағдарилганда корпуслар орқасида аниқ бир очиқ эгат ҳосил бўлмайди, бу эса ўз навбатида таклиф қилинган технологияда чуқур юмшаткичларни корпуслар орқасига ўрнатишда айрим қийинчиликларни юзага келтиради.

Палахсаларни ағдарилиш жараёнини таҳлили уларнинг оғирлик марказларини кўндаланг силжитмасдан 0 дан $(\pi/2-\varphi)$ гача бир бирига нисбатан айлантирилгандан сўнг ишлов берилмаган эгат девори томони ҳайдов ости юмшатишганда чуқур юмшаткичлар ва улар томонидан

Искана энини аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$b_u = 0,65b_n - 2a_{u\max} \operatorname{ctg} \psi_1. \quad (9)$$

(9) бўйича $b_n=52,5$ см; $a_{u\max}=15$ см ва $\psi_1=45^\circ$ бўлганда искананинг максимал эни 4,12 см бўлади.

Чуқур юмшаткич исканаси таъсирида тупрокни етарли даражада деформацияланиши ва юмшатилиши шартидан унинг узунлигини аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$L_u \geq \sqrt{\frac{2\tau a_u [b \sin \psi + a_u \operatorname{tg} (\frac{\pi}{4} + \frac{\varphi_1}{2}) \sin \gamma] \sin(\varepsilon + \psi) \sin \varepsilon \cos \frac{1}{2}(\varphi + \varphi_1 - \varepsilon)}{q_0(1 + K_V V) b \cos[\frac{1}{2}(\varepsilon + \varphi + \varphi_1)] \sin \varepsilon \sin \gamma \sin^2 \psi}} \cdot \frac{\sin \psi}{\sin(\alpha + \psi)} \quad (10)$$

$[\tau_k]=2 \cdot 10^4$ Па; $\varphi=30^\circ$; $\varphi_1=40^\circ$; $q_0=2,5 \cdot 10^7$ Н/м³; $K_V=0,1$; $a_u=0,15$ м; $b_u=0,05$ м ва $\psi=45^\circ$ эканлиги ҳисобга олинса, (10) ифодадан эгат ичини 10-15 см чуқурликда юмшатиш учун искана иш сиртининг узунлиги камида 125 мм бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Уч ёнли пона кўринишидаги исканали қия туткичли чуқур юмшаткичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун қўйидаги ифода олинди

$$\begin{aligned} R_{\text{кx}} = & \frac{b_u}{\sin \gamma_3} t_n \sigma_o \sqrt{1 + f^2} \cos(\gamma_3 + \varphi) + \frac{\tau a_u}{\sin \gamma_3 \sin^2 \psi} \times \\ & \times [b_u \sin \psi + a_u \operatorname{ctg} \frac{\varphi_1}{2} \sin \gamma_3] [\cos \psi_1 \sin \gamma_3 + f \sin(\varepsilon + \psi_1)] \times \\ & \times \cos(\arcsin \operatorname{tg} \alpha_1 \cos \varepsilon) \cos(\operatorname{arctg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg} \gamma_3}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma_3 \cos \varepsilon}) + \rho g (1 + \frac{W}{100}) a_u b_u (\frac{b_u \operatorname{ctg} \gamma_3}{2} + \\ & + \frac{l_u}{\cos \alpha_1}) (\operatorname{tg} \alpha_1 \cos \varepsilon + f \cos \gamma_3) \sqrt{1 - (\operatorname{tg} \alpha_1 \cos \varepsilon)^2} \cos[\operatorname{arg} \operatorname{tg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg} \gamma_3}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma_3 \cos \varepsilon}] + \\ & + \frac{1}{2} \rho (1 + \frac{W}{100}) a_u (a_u \cos \gamma_3 \operatorname{ctg} \psi_1 + 2b_u) V^2 \sin \gamma_3 \cos \psi_1 (1 - i_{\max}) [\sin \gamma_3 \cos \psi_1 + \\ & + f \sin(\varepsilon + \psi_1) \cos \arcsin(\operatorname{tg} \alpha_1 \cos \varepsilon) \cos \operatorname{arctg} \frac{(1 - \cos \varepsilon) \operatorname{tg} \gamma_3}{1 + \operatorname{tg}^2 \gamma_3 \cos \varepsilon}] + \\ & + \sigma_0 t_n \frac{l_m}{\cos \beta_\phi} + q l_m t_m^2 + \frac{p f b_m}{\sin \beta_\phi} [2(a_u - h_u) - \frac{t_m}{\sin \beta_\phi}]. \quad (11) \end{aligned}$$

бунда ε – исканани тупроққа кириш бурчаги, градус; α_1 – исканани увалаш бурчаги, градус; b_u – искананинг эни, м; a_u – исканани тупроққа ботиш чуқурлиги, м; l_u – искананинг тўртбурчак қисми узунлиги, м; ψ_1 – тупроқни кўндаланг йўналишда синиш бурчаги, градус; γ_3 – искана тиғини ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги, градус; τ – тупроқни силжишга солиштирма қаршилиги, Па; K_V – тупроқ ҳажмий эзилиш коэффицентини тезликка боғлиқ равишда ўзгаришини ҳисобга оладиган коэффицент; V – ҳаракат тезлиги, м/с; i_{\max} – юкланган текислик олдидаги тупроқнинг

максимал чуқиш коэффициенти; l_m – тутқич тиғининг узунлиги, м; p – тутқичнинг қия қисми ён юзаларига тупроқнинг солиштирма босими, Па; h_u – искана баландлиги, м; β_m – тутқични ўтқирланиш бурчаги, градус; β_δ – тутқичнинг бўйлама-тик текисликдаги ўрнатилиш бурчаги, градус.

(11) ифоданинг таҳлили шуни кўрсатдики, чуқур юмшатқичнинг тортишга қаршилиги унинг параметрлари ($t_m, h_u, \alpha_1, \gamma_3, \beta_\delta, \beta_\phi, t_n$), ишлов бериш чуқурлиги (a_u), тупроқнинг физик-механик хоссалари ($\sigma_0, \tau, \varphi, \varphi_1, \rho, W, q, f$) ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ экан.

$\sigma_0=1,44 \cdot 10^6$ Па; $\tau=2 \cdot 10^4$ Па; $f=0,5774$; $\varphi=30^\circ$; $\varphi_1=40^\circ$; $\rho=1520$ кг/м³; $W=14\%$; $t_n=0,001$ м; $b_u=0,05$ м; $t_n=0,015$ м; $h_u=0,008$ м; $l_u=0,14$ м; $q=1,5 \cdot 10^7$ Н/м³; $p=1,64 \cdot 10^2$ Па; $\alpha_1=18^\circ$; $\gamma_3=45^\circ$; $\beta_\delta=18^\circ$; $\beta_\phi=25^\circ$; $b_m=0,08$ м; $t_m=0,015$ м ва $a_u=0,15$ м қабул қилиниб, (11) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 2-2,5 м/с тезлик оралиғида чуқур юмшатқичнинг тортишга қаршилиги 1,71-1,82 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

